

Кредит тўлиқ қиймати

_____ %

ёзувда

Турар жой харид қилиш учун ипотека кредити бериш бўйича

Кредит шартномаси

№20 ____ / ____

_____ ш.

« ____ » _____ 20 ____ й.

Бир томондан «Ориент Финанс» ХАТБ номидан, бундан буён «Банк» деб юритилади, 20 ____ й № ____ сонли ишончномага асосан фаолият юритувчи _____ Бошқарувчиси/Бошлиғи ва иккинчи томондан _____ томонидан _____ йилда берилган Ўзбекистон Республикасининг паспорти серия ____ № ____ асосида, _____ манзилда истиқомат қиладиган, бундан буён «Қарз олувчи» деб юритилади _____ корхона номи тақдим этадиган ИСМ-ШАРИФИ _____ ва қарз олувчи сифатида солидар жавобгарликни зиммасига олган, _____ манзилда истиқомат қиладиган, _____ томонидан _____ йилда берилган Ўзбекистон Республикасининг паспорти серия ____ № ____ асосида, бундан буён «Биргалиқда қарз олувчи» деб юритиладиган _____ корхона номи тақдим этадиган ИСМ-ШАРИФИ _____ Мазкур шартномани (бундан буён «Шартнома» деб юритилади) куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк қуйидаги шартларга ва миқдорга асосан Қарз олувчига пул маблағларини (кредит) бериш мажбуриятини олади: Кредит суммаси- _____ (_____) сўм.

(сўз ва рақамлар билан)

Кредитдан фойдаланиш муддати: _____.

Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси: _____;

Фоизларни тўлаш муддати: _____;

Кредитнинг мақсади ва объекти: манзилда жойлашган турар жойни харид қилиш: _____ умумий майдони _____ кв.м., хоналар

_____ сони _____, _____ қаватда, _____, _____;

1.2. Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи олинган кредит суммасини қайтариш ва унинг фоизларини тўлаш мажбуриятини олади.

2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

2.1. Мазкур шартноманинг матнида учрайдиган барча атамаларнинг таърифи, агар шартнома матнида бошқача таъриф назарда тутилмаган бўлса, Мазкур бўлимда келтириб ўтилган:

Қарз олувчи – кредит олиш мақсадида турар жой харид қилиш учун ариза ва зарурий ҳужжатларни тақдим қилган, ҳамда тўловга лаёқатлилик бўйича малакавий талабдан ўтган жисмоний шахсдир.

Биргалиқда қарз олувчи – Мазкур шартномага кўра кредит ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларга иштирок этувчи, ҳамда кредит бўйича солидар жавобгарликни зиммасига олувчи ва тўловга лаёқатлилик бўйича малакавий талабдан ўтган жисмоний шахсдир.

Сотувчи – кредит маблағлари эвазига харид қилинадиган турар жойни сотувчи жисмоний шахс.

Дастлабки тўлов – Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи томонидан Банкдаги ҳисоб рақамига киритилган ва харид қилинаётган турар жойнинг қисман тўлови ҳисобланган пул воситалари.

3. КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

3.1. Кредит бериш, Қарз олувчининг алоҳида ссуда ҳисоб рақамидан барча кредит суммасини турар жой/хонадон сотувчиси Исм-шарифи / Ташкилот номи _____ нинг _____ да (банкнинг номи) очилган №202 _____ депозит ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли орқали нақдсиз кўринишда амалга оширилади.

3.1. Кредит бериш куйидагиларни амалга оширгандан кейин амалга оширилади:

– Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган кредитлаш объектнинг тўлови ҳисобига Мазкур суммани кўчириш мақсадида Қарз олувчи томонидан Банкда депозит ҳисоб рақам очиш ва _____ сўмни ташкил қиладиган кредитга берилган объектнинг қийматидан 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пул маблағларини (дастлабки тўлов суммасини) ҳисоб рақамга кўчириш;

– Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган (кредит объекти)нинг олди-сотди шартномасини кадастр идоралари томонидан рўйхатга олинган ва нотариал тасиқланган асл нусхасини, ҳамда турар жойга эгалик қилиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа кадастр ҳужжатларини тақдим қилиш;

– Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган кредит объектнинг гаров (ипотека) шартномасининг кадастр идоралари томонидан рўйхатга олинган ва нотариал тасиқланган асл нусхасини тақдим қилиш;

– Суғурта тўловларини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда гаров предметини суғурталаш полисини тақдим қилиш.

3.2. Қарз олувчининг кўрсатмаси билан Шахсий тураржой/хонадонни сотувчисининг депозит ҳисоб рақамига Банк томонидан пул маблағларини кўчириш санаси Кредитни тақдим қилишнинг амалдаги санаси ҳисобланади.

4. КРЕДИТНИ СЎНДИРИШ, ФОИЗ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Кредит бўйича асосий қарз суммасини сўндириш мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-сонли Иловасида келтирилган жадвал бўйича амалга оширилади.

4.2. Ипотека кредити бўйича асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловларни Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи томонидан сўндирилиши куйидагича амалга оширилади: (а) тўлов миқдори ҳисобига тенг бўлган иш ҳақи ҳисобидан нақдсиз шаклда пул кўчириш орқали, (б) нақд пул киритиш орқали ва (в) Қарз олувчининг Банкдаги омонат ҳисоб рақамларидан нақдсиз шаклдаги пул маблағларини кўчириш.

4.3. Кредитни сўндирилиш санаси банкнинг иш куни ҳисобланмаса, сўндирилиш кейинги банк иш кунига қолдирилади. Кредит маблағларини олиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган бўлса, мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловасида келтирилган Сўндириш жадвалига биноан биринчи ва кейинги тўловлар кредитнинг олинмаган суммаси фарқига кейинги тўловларга кўчирилади.

4.4. Асосий қарзнинг қолдиғи бўйича фоизлар ҳар иш куни охири бўйича йиллик 365 кун ҳисобидан ва ҳар ойда мавжуд кунлар сони бўйича ҳисобланади. Кредит учун фоизлар кредит маблағлари дастлабки берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

4.5. Хар ойнинг _____ (_____) санасида Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Банкка мазкур шартнома шартларига мувофиқ ҳисобланган кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаб боради.

4.6. Асосий қарзни, фоизларни, кредит бўйича воситачилик ҳақини ва бошқа тўловларни сўндириш Банк томонидан Қарз

олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг тўлов топшириқномаларини, Банкнинг тўлов талабномаларини ижро этиш ва/ёки Банк тарафидан мустақил равишда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг барча ҳисоб рақамларидан маблағларни ечиб олиш йўли билан амалга оширилади.

4.7. Қарз олувчининг ташаббуси билан Кредит шартномасининг қуйидаги шартларидан бири қайта кўриб чиқилган тақдирда Банк тарифларида белгиланган бир марталик воситачилик ҳақини Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Банкка тўлаб беради ёки Банк мустақил тарзда ечиб олади: фоиз ставкасининг ўзгариши; асосий қарзнинг ва фоизларнинг сўндирилиш графиги ўзгариши; гаровга қуйилган мол-мулкнинг ўзгарилиши; қарзнинг кўчирилиши ҳолларида. Шартноманинг кўрсатилган шартларини қайта кўриб чиқиш ва расмийлаштирилиш бир марталик комиссия тўлови тўланганидан сўнг амалга оширилади.

4.8. Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи тарафидан асосий қарзни сўндириш, фоизларни тўлаш борасидаги вазифалари ижро этилмаганда ва/ёки лозим даражада ижро этилмаганда Банк Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг фармойишисиз (акцептсиз тартибда) зарур пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 783 моддасига асосан Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг барча ҳисоб рақамларидан, жумладан, пластик карталаридан ечиб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Шу тарзда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи ўзининг фармойишисиз акцептсиз тартибда Банкка мазкур Шартнома асосида барча ҳисоб рақамларидан тегишли маблағларни ечиб олиш сўзсиз ва қайтарилмас ҳуқуқини беради.

4.9. Мазкур Шартнома бўйича барча тўловлар, қуйидаги тўлов навбатига кўра сўндиришга йўналтирилади: (а) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг айби билан Банк тортган харажатларни сўндирилиши (б) банк воситачилик ҳақи бўйича муддати ўтган тўловлар; (в) асосий қарз бўйича ҳисобланган муддати ўтган фоизлар; (г) асосий қарз бўйича ҳисобланган муддати ўтган тўловлар; (д) банк воситачилик ҳақи бўйича муддатли тўловлар; (ж) асосий қарз бўйича ҳисобланган фоизларнинг муддатли тўловлари; (з) асосий қарз бўйича муддатли тўловлар.

5. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШНИНГ ТАЪМИНОТИ

5.1. Мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи мажбуриятларини амалга оширишни таъминлаш учун қуйидагилар тақдим қилинади:

5.1.1. Ҳарид қилинган _____ манзилда жойлашган алоҳида турар жой/хонадоннинг _____ (сумма сўз билан) сўмлик гаров қиймати бўйича гарови, бу эса кредит суммасининг (бундан буён гаров предмети) 125% ташкил қилади. Гаровнинг янада аниқроқ шартлари барча таваккалчиликлардан Банкни қаноатлантирадиган шартларда мажбурий сўғурта қилган ҳолда нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномасида тегишли тартибда келтирилади.

5.2. Қарз олувчи мулк ҳуқуқи қўлга киритилган ва тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг _____ (_____) кун ичида давомда Мазкур гаровни расмийлаштирилиши ва тақдим этилишини таъминлаши лозим. Қарз олувчи гаров шартномасини белгиланган вақтда тақдим этмаган тақдирда гаров расмийлаштирилишининг ҳар бир кечиктирилган куни учун Гаров шартномаси тақдим этилган кунига қадар 0,01% миқдорда пеня тўлайди, бунда пеня суммаси кредит миқдорининг 50% дан ошмайди.

5.3. Қарз олувчи тарафидан мажбуриятларини бажаришнинг бир нечта таъминотининг мавжудлиги бир-бирига зид эмас, мажбуриятларни бажарилишининг ҳар бир усули мустақил бўлиб, бир-бирига боғлиқ эмас. Мажбуриятларни бажарилишининг таъминотига ундирувни қаратиш талаб этилган ҳолларда танлов ҳуқуқи Банкда қолади, ва у ўз ихтиёри билан мажбуриятлар бажарилишининг таъминот усулларида бири ёки барчасига ундирувни қаратилишини талаб қилиши мумкин.

5.4. Қарз олувчи кредит қайтарилишининг таъминоти бўйича барча ҳужжатларнинг лозим даражада расмийлаштирилиши билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олади.

5.5. Банк талабига кўра Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи қуйидаги ҳолларда Банкни қаноатлантирадиган қўшимча таъминотни тақдим этишга мажбур: (а) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг молиявий ахволнинг ёмонлашганда, (б) ликвидлиги, қимматлиги ва мавжудлигини йўқотганда; бозор нархи сезиларли даражада пасайганда; Шартнома бўйича тақдим этилаётган кредит таъминоти йўқ бўлганда, қисман ёки тўлиқ йўқотилганда; Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи тарафидан Шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаслиги хавфини орттирувчи бошқа омилларнинг юзага келиши.

5.6. Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи кредит таъминотини кредит маблағининг 125 (бир юз йигирма беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаш мажбуриятини олади.

5.7. Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи мазкур шартномада белгиланган санага қадар асосий қарз, фоизлар ва/ёки воситачилик ҳақи тўловини амалга оширишига лаёқатли бўлмайдиган бирон вазият юзага келса Банк амалдаги қонунчиликка, мазкур шартнома ва таъминот шартномасига асосан ундирувни гаров таъминотига тўлиқ ёки қисман қаратишнинг қайтарилмас ва сўзсиз ҳуқуқини қўлга киритади.

6. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1. Қуйидаги ҳолларда ушбу Шартномада назарда тутилган кредитни Қарз олувчига беришни тўлиқ ёки қисман рад этиш:

- ушбу Шартномада кўрсатилган кредит бериш учун ҳужжатлар 2 (икки) ой муддат ичида тақдим этилмаганда;
- Қарз олувчи тўлов қобилиятсиз, жумладан, муомалага лаёқатсиз деб топилганда;
- Шартнома тузилгандан сўнг кредитни қайтаришга таъсир қиладиган ҳаққоний бўлмаган ахборотлар аниқланганда.

6.2. Мазкур шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган суммаларни мемориал ордер билан акцептсиз тартибда Қарз олувчининг / Биргалиқда қарз олувчининг Банкдаги барча ҳисоб рақамларидан, пластик карталаридан ва бошқа банкдаги ҳисоб рақамларидан, ҳамда исталган валюта ҳисоб рақамларидан Марказий банкнинг валютани сотиш курси бўйича конвертация қилган ва Банкнинг амалдаги таърифлари бўйича конвертация учун воситачилик ҳақини ушлаб қолган ҳолда ечиб олиш;

6.3. Кредитдан мақсадли фойдаланиш, ипотека кредитини сўндириш ва унинг фоизларини тўлаш, Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг молиявий ҳолати, харид қилинган турар жой ва бошқа мол-мулкнинг ҳолати ва ипотека предметининг ноқонуний тасарруфдан чиқиши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш.

6.4. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда, бундай вазият ва ҳолатларнинг жиддийлигидан келиб чиққан ҳолда, Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги чоралардан бирини қўллаиди:

- а) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчига белгиланган муддатда мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги тўғрисида ва бундай вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш учун ёзма талабнома (шикоят) юбориш;
- б) Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилиши учун қўшимча таъминотини талаб қилиш;
- в) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчидан Мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда жами кредитни ёки унинг қисмини қайтаришни талаб қилиш;
- г) Қонунчиликда, мазкур шартнома ва таъминот шартномаларида назарда тутилган тартибда ундирувни кредит таъминотига ва/ёки Вазирлар Маҳкамасининг 04.12.2002 №422 сонли Қарорига мувофиқ Қарз олувчининг бошқа ликвид мулкига қаратиш;
- д) Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ундирувни Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг иш ҳақига қаратиш;
- е) Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчини тўловга лаёқатли эмаслиги ҳақида маълумотни нашрларда босиб чиқариш билан эълон қилиш.
- ж) Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда Банкнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда кредит Қарз олувчилигини қайтариш учун барча зарурий ва етарли чораларни кўриш. Бу борада Банк томонидан қилинган барча харажатлар Қарз олувчи зиммасига юкланади.

- з) Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилиги ва Мазкур Шартномага асосан бошқа исталган ҳуқуқлардан фойдаланиш.

7. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Банк қуйидаги мажбуриятларни зиммасига олади:

7.1. Мазкур Шартномага мувофиқ Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи томонидан кредит маблағларини олишнинг

- дастлабки шартлари бажарилган тақдирда Ушбу Шартномада назарда тутилган шартларда, муддатда ва миқдорда кредит бериш;
- 7.2. Олинган кредит ҳисоб-китобини юритиш учун Қарз олувчи номига алоҳида ҳисобрақам очиш;
 - 7.3. Қарз олувчининг ёзма сўрови бўйича кредитга таалуқли маълумотларни тақдим қилиш;
 - 7.4. Банк томонидан кредитни муддатидан олдин ундирилишининг исбот ва сабаблари ҳақида Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчини хабардор қилиш;
 - 7.5. Кредит ва ҳисоб-китоб масалалари бўйича Банкнинг норматив- ҳуқуқий ҳужжатларида ва ички норматив ҳужжатларида ўзгартиришлар тўғрисида Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчини хабардор қилиш;
 - 7.6. Қарздорликни муддатдан олдин ундириш талаби тақдим этилишидан аввал 5 (беш) банк иш кунидан кеч бўлмаган муддатда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчини кредит ва фоизларни муддатдан олдин сўндириши лозимлиги тўғрисида хабардор қилиш.

8. ҚАРЗ ОЛУВЧИ / БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 8.1. Мазкур Шартнома бўйича олинган кредит суммасини муддатидан олдин қайтариш ва ҳисобланган фоизларни тўлаш;
- 8.2. Ипотека кредитининг амалдаги шартлари билан танишиш;
- 8.3. Ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларни, жумладан ипотека кредитини тақдим қилиш билан боғлиқ барча харажатлар тўғрисида маълумотлар олиш;
- 8.4. Банкдан Мазкур шартноманинг шартларини бажаришни талаб қилади;
- 8.5. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида юзага келадиган зарарларни қоплашни Банкдан талаб қилиш;
- 8.6. Кредитнинг асосий қарз суммаси қолдиги бўйича ҳисоб рақамдан кўчирма, кредит бўйича тўланган фоизлар, воситачилик ҳақи тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этилиши талаб этиш.
- 8.7. Бошқа кредитлар олиш юзасидан Банкка мурожаат қилиш.

9. ҚАРЗ ОЛУВЧИ / БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- 9.1. Кредитни мақсадли ишлатишни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда мазкур Шартномада назарда тутилган мақсадларда кредитдан фойдаланиш;
- 9.2. Кредитни сўндириш жадвалига мувофиқ (мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловаси) кредит қайтарилишини таъминлаш;
- 9.3. Сўндириш жадвалида (мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловаси) кўрсатилган санадан кеч бўлмаган муддатларда, ушбу шартноманинг Шартларига кўра кредит суммасини, кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўловларини ва тўланиши керак бўлган бошқа тўловларни сўндириш учун талаб қилинганга депозит ҳисобрақамида зарурий пул суммаси мавжудлигини таъминлаш.
- 9.4. Мазкур Шартнома бўйича кредитни ўз вақтида ва тўлиқ сўндириш ва фоизларни тўлашга, ҳамда Қарз олувчининг бошқа мажбуриятларини лозим даражада бажаришга салбий таъсир кўрсатадиган барча шарт-шароитлар бўйича Банкни ўз вақтида хабардор қилиш.
- 9.5. Мазкур Шартноманинг шартларини бажаришни қийинлаштирадиган ҳаракатларни содир этмаслик.
- 9.6. Мазкур Шартнома бўйича кредитдан фойдаланиш пайтида Банкнинг биринчи талаби билан, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг тўловга лаёқатлигини аниқлаш ва мажбуриятларни тўғри бажариш учун керакли ҳужжатлар ва ишончли маълумотларни (ишлаётганлиги, иш ҳақи ва бошқалар тўғрисида маълумотнома) Банкка тақдим қилиш.
- 9.7. Ўзининг яшаш жойи ва/ёки иш жойини ўзгартирганлиги тўғрисида бундай ўзгаришлар юз бериши мумкин бўлган санага қадар 5 (беш) иш кунидан кеч бўлмаган муддатда Банкка ёзма равишда хабар бериш.
- 9.8. Банкнинг биринчи талаби билан Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва лозим даражада бажармаганлик оқибатида Банк томонидан юзага келадиган барча харажатларни қоплаш.
- 9.9. Ойлик даромадларнинг камайиш ҳоллари кузатилганда бундай вазиятларнинг содир бўлиш пайтидан бошлаб уч кун ичида, кутиладиган ойлик даромадлар бўйича маълумотларни тақдим қилиб бу ҳақда Банкка хабар бериш керак.
- 9.10. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахслар олдида муҳим мажбуриятларни олмаслик, яъни мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга таъсир кўрсатадиган бошқа кредиторлардан кредитлар олмаслик ва бошқа шахсларга қарз бермаслик, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил бўлмаслик.

10. ШАҲОДАТЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ

10.1. Томонлар Шартноманинг барча шартлари (томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредитнинг қайтарилиш тартиби, фоиз ва комиссияларнинг миқдори ва тўлаш тартиб ва бошқалар) икки томоннинг розилиги асосида келишилганини ва уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини чекламаганлигини тасдиқлайдилар. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи ўз хоҳиши билан имзоланган ва ўрганиб чиқилган Шартноманинг фоиз, комиссия ва бошқа тўловларини ўрганиб чиқиб ўз розилиги, Шартноманинг ҳуқуқий оқибатларини тушунган ҳолда имзолаган.

Томонлар, шунингдек, шартноманинг матни билан танишиб чиққанликларини, шартнома шартларининг моҳияти ва мазмуни аниқ ва тушунарли эканлигини, Шартнома ёзилган тилга нисбатан эътирозлари йўқлигини билдирадилар, Мазкур Шартномани томонлар имзолагани буни тасдиқлайди.

10.2. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи куйидагиларни тасдиқлаб, шаҳодатлайдилар:

- Мазкур шартномани расмийлаштириш учун Банкка тақдим қилинган / тақдим қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим қилинган санада асл ва ҳаққоний ҳисобланади;
- Амал қилувчи ва шартли мажбуриятларга, жумладан учинчи шахс фойдасига берилган кафилликка эга эмас;
- Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга ва бу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

10.3. Ушбу билан Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи куйидаги ишларни амалга оширишга Банкка қайтарилмас ва сўзсиз ҳуқуқ ва розилик беради:

- Банк томонидан шартнома шартларига таалуқли маълумотларни кредит тарихини миллий институтига ва/ёки Банклараро кредит бюросига тақдим қилиш;

– Мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг телефон рақамларига телефон кўнғироқларини амалга ошириш, Банкка маълум бўлган Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг манзилларига (реквизитларига), ҳамда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг турмуш ўртоғига, иш берувчисига хатлар, электрон ва SMS хабарлар юбориш;

– Мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи, унинг турмуш ўртоғи, ҳамда унинг қариндошлари, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг иш берувчиси билан музокаралар (учрашувлар) олиб бориш;

– Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг даромади тўғрисида иш берувчидан маълумотларни талаб қилиш, кредит Қарздорлигини сўндириш учун Қарз олувчига тегишли бўлган пул маблағларини (ойлик иш ҳақи, нафақа ва ҳоказолар) йўналтириш талаби билан иш берувчига мурожаат қилиш.

Бунда, Банк томонидан юқоридаги ҳатти-ҳаракатларни содир этиш банк сирини ошкор қилиш ҳисобланмайди.

11. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ

- 11.1. Мазкур бандда келтирилган ҳодисалардан исталган бири мажбуриятларни бажармаслик ҳолати деб ҳисобланади:

- а) кредит воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш;
- б) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Мазкур Шартномада, Сўндириш жадвалида (Мазкур Шартноманинг № иловаси), шунингдек, тузилиши Мазкур Шартномада шартлашилган бошқа шартномаларда белгиланган тегишли санада кредит бўйича тўловни, фоиз ва/ёки тўловларни амалга оширмаган бўлса;
- в) ҳаққоний бўлмаган ҳужжат ва маълумотларни тақдим қилиш орқали Банкни атайин чалғитиш;
- г) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи томонидан Банкка берилган кредит бўйича исталган таъминот ўзининг қийматини тўлиқ ёки қисман йўқотса ёки ҳақиқий бўлмай қолса;
- д) Қарз олувчининг/Биргалиқда қарз олувчининг молиявий аҳолининг ёмонлашуви ёки Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармасликка олиб келувчи аниқ маълумотларни яшириш;
- ж) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи тарафидан Банк олдидаги мажбуриятларини бажаришга таъсир кўрсатадиган бошқа ҳодисалар;
- з) Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлашга салбий таъсир кўрсатадиган Мазкур Шартноманинг бошқа шартларини бузиш;
- и) Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлашга салбий таъсир кўрсатадиган Мазкур Шартнома билан боғлиқ (гаров, кафиллик, суғурта ва бошқалар) бошқа шартнома шартларининг бузилиши.

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

12.1. Мазкур Шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолларида тарафлардан бири келтирилган зарарларни иккинчи тарафга қоплаб беради, қонунчилик ҳужжатлари ва Мазкур Шартномада назарда тутилган тартибда бошқа тарзда жавобгар бўлади.

12.2. Кредитнинг асосий қарзини қайтариш муддати бузилган ҳолларда, Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Банкка кредитдан фойдаланишнинг кечиктирилган жами муддати учун ўрнатилган фоизлардан _____ баробар юқори фоиз тўлайди.

12.3. Белгиланган муддатда фоизлар тўланмаган тақдирда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун _____% миқдоридан пеня тўлайди, бунда пеня миқдори кечиктирилган тўловнинг _____% идан ошмайди.

12.4. Белгиланган муддатда кредит берилмаган тақдирда, Банк Қарз олувчига кредит бериш кечиктирилишининг ҳар бир куни учун берилмаган кредит суммасининг _____% миқдоридан пеня тўлайди, бунда пеня миқдори берилмаган кредит суммасининг _____% идан ошмайди.

12.5. Кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилаётганлиги аниқлаган тақдирда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Банкка мақсадсиз ишлатилган кредит суммасининг 50 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

12.6. Неустойка (жарима, пеня) тўлаш ва зарарларни қоплаш, қонунчилик ёки Мазкур шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, тарафларни тегишли тарзда мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

12.7. Кредит объектини олди-сотди битими ҳақиқий эмас деб топилганда, Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Банк олдида Банкка келтирилган зарарлари ва харажатлари миқдоридан тўлиқ жавобгар бўлади, бу ҳолда Банк қонунчилик, мазкур Шартнома ва таъминот шартномасида назарда тутилган тартибда кредитни муддатидан аввал сундирилишини ва унга ҳисобланган фоизлар тўланишини, мазкур шартномани бекор қилинишини талаб қилиш, талаб қилинадиган суммани Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчидан ечиб олиш ва ундирувчи қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

12.8. Шартноманинг мазкур бўлимида назарда тутилган жавобгарлик чораларини Банк томонидан қўлланиши Банкнинг вазифаси эмас, мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади. Банк ўз хоҳишига кўра Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчига нисбатан мазкур Шартнома бўйича ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқларнинг исталган биридан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги мумкин. Банк томонидан Мазкур ҳуқуқларнинг қўлланилмаслиги ёки қисман қўлланилиши Мазкур ҳуқуқлардан бош тортиш ҳисобланмайди ва улар кейинчалик исталган пайтда қўлланилиши мумкин.

13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13.1. Мазкур Шартнома билан боғлиқ низо ва келишмовчиликлар, музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг тегишли (шаҳар/туман) судида кўриб чиқилади. Низолар юзага келганда банк ёзувлари ва кўчирмалари мазкур Шартнома бўйича томонлар мажбуриятларининг асосий (*prima facie*) исботи ҳисобланади.

14. АНТИКОРРУПЦИОН ШАРТЛАР

14.1. Шартнома асосидаги мажбуриятларни амалга оширишда томонлар қонунга зид ҳақ-ҳуқуқни ва бошқа фойдани олиш мақсадида бирон-бир шахсга унинг хатти-ҳаракати ва қарорига бевосита ёки билвосита таъсир қилиш учун бирон бир пул маблағларнинг ёки бошқа қимматликларни тўламайдилар, тўланишини талаб, таклиф қилмайдилар ва бунга рухсат бермайдилар.

14.2. Шартнома асосидаги мажбуриятларни бажаришда томонлар қонунчиликка мувофиқ пора бериш/пора олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш/хизматчини пора эвазига оғдириш каби таснифланадиган хатти-ҳаракатларни, шунингдек қўлланиладиган қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмга қарши курашишга доир халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

14.3. Шартноманинг ҳар бир Тарафи бошқа Тарафнинг ходимларини рағбатлантиришдан, шу жумладан ходимларга пул маблағлари, совғалар бериш ва улар учун текин ишлар (хизматлар)ни бажариш ва бошқа йўллар орқали уларни маълум бир тобеликка олиб келиши мумкин бўлган ва рағбатлантирувчи томоннинг фойдасига ходимлар бирор-бир хатти-ҳаракатларни бажаришларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлардан воз кечадилар.

14.4. Тарафларда ҳар қандай коррупцияга қарши шартлар бузилганлиги ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан гумон туғилганда, тегишли тараф ёзма равишда ёки ишонч телефони орқали оғзаки тарзда бошқа тарафни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

15. БОШҚА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур Шартнома томонлар томонидан имзоланган кундан кучга кириб, Банк ва Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи тарафидан зиммасига олган барча мажбуриятлар бажарилишига қадар амал қилади. Кредит бериш бўйича Банкнинг мажбурияти Қарз олувчи томонидан ҳужжатлар тақдим қилинганидан ва Мазкур Шартномада кўрсатилган дастлабки шартлар бажарилгандан кейин кучга киради.

15.2. Қарз олувчи ипотека кредитидан фойдаланмаган ҳолларда, Банк Қарздорни ёзма равишда хабардор қилиш орқали Шартнома тузилган кундан бошлаб 2 (икки) ой ичида Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

15.3. Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи мазкур Шартнома бўйича ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини Банкнинг ёзма рухсатисиз учинчи шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

15.4. Агар мазкур Шартноманинг бир ёки бир неча шартлари қонун ёки суд қарори доирасида ҳақиқий эмас деб топилса, бу Шартноманинг бошқа қоида (шартлари) амалдан қолишига сабаб бўлмайди.

15.5. Мазкур Шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, барча тарафлар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади. Ушбу Шартномага барча ўзгариш, қўшимчалар ва иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

15.6. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган ҳолатларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таяниб иш кўрадилар.

15.7. Мазкур Шартнома тарафларнинг ўзаро хоҳишига кўра 3 (уч) нусхада, бир нусхаси Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи учун ва бир нусхаси Банк учун тузилган бўлиб, ҳар бир нусхаси бир хил юридик кучга эга.

16. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

БАНК:
«Ориент Финанс» ХАТБнинг
филиали

Манзил: _____

х/с _____

МФО: _____

СТИР: _____

ОКЭД: _____

Телефон: _____; Факс: _____;

Бошқарувчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бош ҳисобчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бош юрист маслаҳатчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Манзил: _____

Паспорт маълумотлари: _____

СТИР: _____

Телефон: _____

ИСМ-ШАРИФИ: _____

ҚАРЗ ОЛУВЧИ:

ИСМ-ШАРИФИ: _____

Манзил: _____

Паспорт маълумотлари _____

Ссуда ҳисоб рақами: _____

МФО: _____

СТИР: _____

Телефон: _____

ИСМ-ШАРИФИ: _____

Ипотека кредити бўйича асосий қарзни сўндириш жадвали:

№	Тўлов санаси	Сўндириш суммаси
1	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм
2	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм
3	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм
Жами		0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм

БАНК:
«Ориент Финанс» ХАТБнинг
филиали

ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бошқарувчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бош ҳисобчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____
Бош юрист маслаҳатчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

БИРГАЛИҚДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
ИСМ-ШАРИФИ: _____
